

## Оқ йўл сизга азиз битирувчилар

Жорий йилнинг 26 июнь куни Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг ректорати фаввораси ёнида “Ер ресурсларини бошқариш” факультети битирувчи талабаларига, бакалавр даражали диплом тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбирда институт ректори Ўқтам Пардаевич Умурзоқов, Ўқув ишлари бўйича проректор Мирзаев Баҳодир Суюнович, Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Шавозов Қодиржон Очилович ва факультет деканлари ҳамда ота-оналар ташриф буюришди. Институт ректори Ўқтам Пардаевич Умурзоқов битирувчи талабаларни табриклаб, тадбирни кириш сўзи билан очиб берди. Факультет декани Муқимов Зариф Мажлисович талабаларни табриклаб, институт ректорининг диплом бериш тўғрисидаги буйруғини ўқиб эшилтирди ва талабаларига диплом тақдим этилди. Сўнг талабаларга оқ йўл ва келгуси ишларида ўлкан зафарлар тилашди. 179 нафар битирувчи талабалардан 21 нафари имтиёзли қизил дипломга эга бўлишди. Тадбир жуда қизиқарли бўлиб ўтди.



**“Ер ресурсларини бошқариш” факультети декани ўринбосари Ҳ.Эшова маълумоти**